

Andijon tongi

andijon_tongi_gazetasi

1962-yil 5-iyundan chiqqan boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№ 2

(5383)



ISSN 2010-569X

www.andijontongi.uz

9 ФЕВРАЛЬ – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқомен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳр чашм айлаб нихон, бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок- чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки мажнунваши қотил шиоримким,
Бузуғ кўнглимдин ўзга ерга жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйинунға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзун очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Статистика

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёни ҳисобланади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ



У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва oilаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль уйнайди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳуқуқ

Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили ташаббуси билан Андижон тумани "Юксалиш", "Хўжа" маҳалларида сайёр қабул, "Омбудсман мактаби" ҳамда "Омбудсман соати" ўқув машғулотлари ўтказилди.

Омбудсман институтининг асосий фаолият йўналишларидан бири фуқаролар мурожаатлари билан ишлашдир. Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили Г. Абдувоҳидованинг навбатдаги сайёр қабули Андижон тумани, "Юксалиш" МФЙда ўтказилди.



ОМБУДСМАН МАКТАБИ ВА СОАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Унда Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Мадад" ННТ ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси О.Ботиров, туман ҳокими Б.Маматкаримов ва масъул ходимлар ҳамда фуқаролар иштирок этишди. Фуқаролар маиший газ баллонлари, деҳқончилик қилиш учун ер ажратиш, банк кредити, фарзандларини туғилганлик ҳақидаги фактни тасдиқлаш ҳамда бошқа масалаларда мурожаат қи-

лишди. Мурожаатлар ижро ижроси масъулларга йўналтирилиб, туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди ҳамда ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Қабулга келган фуқаролар чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон-2030 стратегия-халқ стратегиясидир" мавзусида "Омбудсман мактаби" бў-

фуқаролар йиғинларида "Омбудсман мактаби" ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳалар қатори меҳнат муносабатлари тизимида ҳам салмоқли ўзгаришлар бўлди. Соҳага институционал, таъкилий-ҳуқуқий, қонунчилик, норма ижодкорлиги ҳамда халқаро стандартларни жорий этиш бўйича кенг қўлмалли тизимли ишлар олиб борилаётганлиги, инсон омили Ўзбекистонда биринчи ўринда эканлиги, инсон-жамият-давлат тамойили асосида ишлар олиб борилаёпти.

Шунингдек, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар, "Аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш қўламини оширишда Давлат хизматлари марказларининг ўрни" ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Президенти томонидан имзоланган "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида семинар иштирокчиларига тушунчалар берилди.

Учрашув 36-умумтаълим мактабида давом этди. Юқори синф ўқувчиларига "Омбудсман соати"да юқори синф ўқувчиларига инсон ҳуқуқларининг мазмуни, шахсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа ҳуқуқлар оддий мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Шунингдек, ўқувчиларни Омбудсманнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида ҳам хабардорлиги оширилди.

О. ЯҚУБОВА,

Туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.



Секторлар фаолиятдан

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар дардига қулоқ тутиши, уларни ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ва таҳлил этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Андижон туманида шакллантирилган "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 3-сектор ҳудудида 18 та маҳалла фуқаролар йиғини, 1156 дан зиёд хонадон, 17413 та оила, 60433 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 13 та мактаб, 8 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та олий таълим, 6 та соғлиқни сақлаш муассасалари мавжуд.

Секторда 15700 дан ортиқ 14-30 ёшгача йигит-қизлар мавжуд бўлиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ўтган 2023 йил ижобий ишлар амалга оширилди. 466 нафари "Ёшлар дафтари"га киритилди ва уларнинг бандлиги таъминланди. Ҳар бирига 15 сотихдан жой ажратилди. 80 нафарининг таълим олишлари учун

тўлов-контракти амалга оширилди. 120 нафарига бир марталик моддий ёрдам, 3 нафарига НТМда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, 55 нафарига сафарбарлик қақириви резерви, 42 нафарига эса ҳайдовчилик гувоҳномаси учун тўлов қилинди.

салам, Роҳат МФИда яшовчи Нурхаёбону Абдумуталлибовга 15 миллион сўм тўлов-контракт пули ўтказилиб, ёрдам кўрсатилди.

"Аёллар дафтари"нинг тўртинчи босқичига киритилган аёллар сони 1 минг 700 дан ортиди. Ҳаммасининг муаммолари тўлалигича ҳал этилган.

маган 427 нафар аёлнинг 420 нафарига бир марталик ёрдам пули, яъни 227 млн. 550 минг сўм берилди.

Уй-жойи таъмирталаб аёлга маблаг ажратилди. I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизнинг 416 нафарига бир марталик ёрдам пули -217 млн. 300 минг ҳамда тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Ижара компенсация тўлови тўлаб берилган хотин-қизлар сони бир нафар бўлиб, унга ҳам 3 млн. 100 минг ажратилди. Қарамонига ногирон фарзанди бўлган хотин-қизларнинг 258 нафарига ҳам бир марталик ёрдам пули - 154 млн. сўм берилди.

Бекобод МФИда яшовчи Махмудмахон Носирова 33 млн. кредит эвазига тадбиркорлигини бошлади. Бахт МФИда яшовчи Манзураҳон Ҳасанова субсидия асосида тикув машинаси бўлди. Зеро, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга доир тизимли ишлар бажарилиши орқали қийналган одамларга қўмак кўрсатиш бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Ж. ҲАМДАМОВ,

3-сектор котиби, лейтенант.

МУҲТОЖЛАРГА ҚЎМАК
БЕРИШ БУРЧИМИЗ

Ёшларнинг 2 нафари кредит маблағлари, 16 нафари эса субсидия ажратиш орқали меҳнат қуролирига эга бўлди. 90 нафарига эҳтиёжга қараб ёрдам кўрсатилди, 30 нафарининг бандлиги таъминланди. Ма-

ни фохр ва айни ҳақиқат. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 598 нафар хотин-қизнинг барчаси банд қилинди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларига 103 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. Бокучисига бўл-

ган одамларга қўмак кўрсатиш бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Аҳолини рўйхатга олиш

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, демографик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва прогноزلаш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун аҳоли тўғрисида ишончли ва ҳолис ахборотларни олиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг соғлигини мустахкамлаш, хотин-қизлар ва болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш мақсадида, аҳоли таркибидаги, демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумотлар базасини кенгайтириш;
- шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларини

ИШОНЧЛИ ВА
ХОЛИС АХБОРОТ

жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг узок ўрта ва қисқа муддатли прогнозлари ва дастурларини тайёрлаш;

- аҳолини рўйхатга олиш даври оралиғидаги аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогнозларини амалга ошириш;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича илмий тайёргарлик жараё-

нидаги энг муҳим масала, аҳолини рўйхатга олишда фавол иштирок этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва широрлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби тадбирлар амалга оширилади.

Ж. АБДУКАРИМОВ,

Марҳамат тумани статистика бўлими бошлиғи.

ДЕМОГРАФИК
ИҚТИСОДИЙ ВА
ИЖТИМОЙ МАЪЛУМОТЛАР
СТАТИСТИКАСИ ҚАНДАЙ
ШАКЛЛАНАДИ?

(Давоми. Боши I-бетда).

Аҳолини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахста доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

Аҳолини рўйхатга олиш санаси — аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошириладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

Респондентлар — аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Рўйхатга олиш варағи — кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланк;

Рўйхатга олиш ҳужжатлари — аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

Рўйхатга олувчи ходимлар — Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

Уй ҳўжалиги — битта турар-жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминлайдиган, умумий ҳўжалик юртадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмалиги мумкин. Уй ҳўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Б. МАХМУДОВ,

Шаҳрихон тумани статистика бўлими бошлиғи.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аҳолини рўйхатга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Нега деган савол туғилиши табиий. Қўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинган режалар манзили аниқ бўлиши ва юқори самара бериши учун, албатта.

Қўлимизда ҳар бир ҳудудга доир аниқ фактлар бўлса, режаларимиз ҳам, амалларимиз ҳам манзилли ва пухта бўлади. Айнан шунинг учун бутун Республика ёки вилоятни қамраб оладиган ишончли маълумотлар зарур ва улар доимий равишда янгиланиб борилиши шарт. Бундай аниқ ва яхлит маълумотлар эса аҳолини рўйхатга олиш асосида шаклланади. Шунга қараб ўтмиш ва бугун ҳақида фикр қилиш, мулоҳаза юритиш ҳамда келажакни фарзлаш мумкин.

Рўйхатни шакллантириш аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси,

оилавий ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳисобланади. Бунда аҳолини рўйхатга олиш, яъни одамлар ҳисобини юритиш амалиёти илк бор миллатдан аввалги уч минг йилликдан бошланган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган.

Аҳолини универсал рўйхатга олиш 1665 йилда Янги Франция (Квебек) колониясида бўлиб ўтган. АҚШда 1790 йилда тўлиқ аҳолини рўйхатга олиш олиб борилди. Ва замонавий босқич XX асрнинг ўрталаридан бошланган. Уша даврда бир қатор Осиё мамлакатларида аҳоли рўйхатдан ўтказилган. XX асрнинг охирига келиб эса аҳолини рўйхатга олиш дунёнинг деярли барча ҳудудини қамраб олди.

А. ХОЛИҚОВ,

Олтинқўл тумани статистика бўлими бошлиғи.



101 огоҳлангичи рақи

БОЗОР ҲУДУДИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Очиқ, майдонларда ёки биноларда (иншоотларда) белгиланган тартибда ташкил этилган кийим бозорларида ташкилот раҳбари куйидаги ёнгин хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлайди:

—эвакуация йўллариغا олиб боровчи йўлаклар ва ўтиш жойларидаги савдо расталарнинг ўтиш қаторларининг кенлиги 2 метрдан кам бўлмаслигини;

—савдо қаторларининг ҳар 30 метрдан сўнг кенлиги камида 1,4 метр бўлган кўндаланг йўлаклар бўлишини;

—ярмаркалар ва бозорларда ёнгин содир бўлганда одамларни ва моддий бойликларни эвакуация қилиш, биноларни ва ҳудудни тарқ этиш режалари (схемаси) ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мажбуриятлари ишлаб чиқиши лозим;

—ёнгин содир бўлганда фуқароларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш бўйича товушли хабар бериш мосламаларини ёқиш ва ишлатиш тартиби ҳамда хабар бериш матни ярмарка ва бозорлар раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади.

—ярмарка ва бозорлар ҳудудида ёнгин-қутқарув автомобиллари кириб-чиқиши учун кенлиги 5 метрдан кам бўлмаган дарвоза бўлиши керак. Агар ушбу объектлар ҳудуди бир гектардан ошқ бўлса, ҳудуд рельефига қараб бир неча кириш жойлари ташкил этилиши мумкин. Лекин уларнинг сони камида иккита бўлиши лозим. —ярмарка ва бозорларнинг иш вақтида уларнинг ҳудудларига кириш дарвозалари ва уларга бориш йўллари доимо очик бўлиши лозим;

—ярмарка ва бозорларда савдо расталари, бинолар, иншоотлар, омборлар, ёнгинга қарши сув манбаларининг жойлашуви, уларга ёнгин-қутқарув автомобилларини олиб боровчи йўллар, ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ўрнатилган жойлар, шунингдек, хараидорларнинг юриш ва ўтиш йўлакларни кўрсатилган схемалар ишлар чиқилган бўлиши керак;

—ярмарка ва бозорларнинг махсус ажратилган ҳудудларида ҳар бир гуруҳда 10 тадан автомобил ва уларнинг тиркамалари ҳамда 20 тадан савдо палаткаларини ўрнатишга рухсат берилади. Бунда уларнинг умумий майдони 160 м²дан ошмаслиги керак.

Ж.СИДИҚОВ,

Шаҳрихон тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, подполковник

Ёнгиннинг олдини олиш ҳар биримизни бурчимиз. Ўтган йил давомида туманимизда жами 77 та ёнгин ҳодисаси содир бўлди. Бу ёнгинларни аксарияти яшаш уйларида бўлган.

Андижон вилояти ҳокими — фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2023 йил 23 октябр кунги "2023-2024 йиллар куз-қиш мавсуми даврида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора тadbирлари тўғрисида"ги буйруғига асосан, бу йўналишдаги ишларни сифатли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли яшаш хонадонларида фавқулодда вазиятлар ёнгинларни олдини олиш борасида кенг қамровли профилактика ишлари олиб борилмоқда. Профилактик ишлар давомида асосий эътибор ис газидан заҳарланиш, ёнгинлар, чақнаш ва овқатдан заҳарланиш ҳолатларини олдини олиш, содир бўлганда бартараф этиш борасида фуқаролар ва ташкилот ходимларига тушунтирилиб борилмоқда. Ўрганишлар давомида кўп қаватли уйлар ертўлалари, том қисмлари ҳамкор ташкилотлар билан ўрганилиб, аниқланган камчиликлар куз-қиш штаби мутасадди ташкилотлари томонидан жойида



бартараф қилиш чоралари кўрилмоқда.

Ҳафтанинг ҳар чоршанба "Фавқулодда вазият ёнгинлар профилактикаси" кунларида доирасида ижтимоий соҳа объектларида ўқув машғулоти ўтказилиб ишчи-ҳодимларнинг кўникмалари оширилмоқда.

Мақтаб ва мактабгача таълим ташкилотларида фавқулодда вазиятлар юзга келганда ҳаракат қилиш тартиблари ўргатилмоқда.

Сўнгги йилларда содир бўлаётган ёнгинлар асосан аҳоли хонадонларига тўғри келаётганлиги, уларни келиб чиқишига фуқароларимизнинг эътиборсизлиги, бепарволиги яъни, носоз ҳолдаги газ ва электр мосламаларидан фойдаланишлари ва уларни ёниқ ҳолатда назоратсиз қолдириши, ёш болаларни гурут ўйнаши, белгиланмаган жой-

ларда ахлат уюмларини ёқиш, яроқсиз электр симларидан фойдаланиш ва эскирган электр симларини ўз вақтида янгилаш чораларини кўрмаслик, симларни тўғри монтаж қилмаслик оқибатлари сабаб бўлмоқда. Шунингдек, фуқароларимизни қурилаган уйлари оралиқ масофаларини ёки ёнгинга қарши деворларни қўйилмаслиги, томларга қуриган хас-хашакларни босиб қўйишлари ёнгинларни катта майдонларга тарқалиб кетишига, кўча ва маҳаллаларда ариқларни қовлаб, сунъий тўсиқларни (шағал, тупроқларни тўкиб) қўйиб йўлларни тўсиб қўйишлари, маҳаллалардаги сув ҳовузаларини носозлиги ёки мавжуд эмаслиги ёнгинларга ўз вақтида етиб борилишига ва кенг майдонларга тарқалмай ўчириб олишга тўсқинлик қилаётти. Бундай ҳолатларга асло йўл қўйилмаганимиз кераклиги акс ҳолда, ўзимиз ва ўзгаларнинг мулкни асраб қолишда тўсқинлик қилиб қолишимиз мумкинлигини доимо ёдимизда сақлайлик.

И.ТЎХТАНАЗАРОВ,

Избоскан тумани ФВБ Тезкор бўлима бошлиғи, капитан

Ш.ХОЖИМАТОВ,

Андижон шаҳар ФВБ катта инспектори, капитан.

ТИЛСИЗ ЁВ ФАЛОКАТ КЕЛТИРАДИ

Олов қанчалар

бахтсизлик ва зарар келтириши ҳаммага аён. Бироқ ундан тўғри фойдаланилса, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинсагина инсонга нафи тегади. Бу қондалар бузилса, масъулиятсизликка йўл қўйилса, у йўлида учраган ҳамма нарсани кулга айлантириши мумкин.

Шундай экан, ёнгиннинг олдини олиш ҳар биримизни бурчимиз, ўтган йил туманимизда жами 77 та ёнгин ҳодисаси содир бўлиб, ушбу ёнгинларни аксарияти яшаш уйларида содир бўлган, ёнгин-



ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмасликларни, эътиборсизлик билан муносабатда бўлиши, табиий газ билан иситиш печларининг мўри-

лари тахлили шунинг кўрсатмоқдаки, аҳоли яшаш хонадонларида ёнгинларни келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири, фуқароларимизнинг назоратсиз қолдирилиши, газ тортиш аппаратларидан фойдаланиш, очик оловдан, электр иситиш асбобларидан ва табиий газдан фойдаланиш қондаларига амал қилмаслик, электр симларини қисқа туташуви, томларга қуруқ тез аланга олувчи хашакларни томдаги электр симларни устига ва мўри-конларни атрофига босиб қўйишлари. Ачинарлиси, табиий газдан газ тортиш аппаратларидан фойдаланишлари оқибатида содир бўлаётган чақнаш ва ёнгинлар фуқароларимизни куйиб тан жароҳат

олишлари ва кўп миқдорда моддий зарар кўришига сабабчи бўлмоқда.

Олов тилсиз ёв бунинутманг. Шундай экан олов билан ўта хушёр бўлиб муомала қилайлик. Бепарволик мутлақо йўл қўйманг. Доимо ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилишини унутманг. Болаларни назоратсиз қолдирманг ва уларни олов билан ўйнашига ва иситиш асбобларидан ўзбошимчилик билан фойдаланишларига асло йўл қўйманг.

Я.ҲАСАНОВ,

Шаҳрихон тумани ФВБ инспектори лейтенант.

Э.ТЎЛҚИНОВ

Шаҳрихон тумани ФВБ инспектори лейтенант.

Хозирги кунда кенг қўламда қурилиш олиб борилаётган янгидан-янги бино ва иншоотлар, намунавий уй-жойлар, хусусий шифохоналар моданий ва кўнгличар масканлар, ўқув муассасаларда профилактик тушунтиришлар олиб борилмоқда. Юқорида кўрсатилган ўтилган бино ва иншоотларнинг барчаси ва уларни ўраб турган ҳудудлар кўп миқдорда одамларни йиғилиш, даволашни, дам олиш ва яшаш жойлари ҳисобланади. Бино ва иншоотларда одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар ичида одамларни эвакуация қилиш ва қутқариш масалалари энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

ҚУРИЛИШДА ЁНГИН КЕЛИБ ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ



Ёнгин вақтида одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг муҳими фуқаролар ва ташкилотлар масъул шахсларидан бу соҳада чуқур ва мустаҳкам билимларни талаб этади.

Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича эвакуация йўллари ва эвакуация чиқиш жойларида қўйиладиган талаблар белгилаб ўтилган.

Эвакуация — эвакуация чиқиш жойлари орқали эвакуация йўллари бўйлаб амал-

га оширилади. Аҳолининг кам ҳаракатланган гуруҳига тегишли одамларнинг хизмат кўрсатувчи ходимлар ердамида номустақил ҳаракатини ҳам эвакуация деб ҳисоблаш лозим.

Одамларга ёнгиннинг хавфи омилларини таъсир этишда ёки шундай таъсирнинг бевосита таҳдиди ҳосил бўлганда уларнинг ташқарига қараб мажбурий тарзда ҳаракатланиши кутқариш ҳисобланади.

Эвакуация йўли — одамлар мавжуд жой-

дан хавфсиз ҳудудга олиб борадиган коммуникацион участкаларнинг кетма кетлигидир.

Эвакуация чиқиш жойи — ёнгин вақтида хавфсиз ҳудудга олиб боровчи ва хавфсизлик талабларига жавоб берувчи эвакуация йўлига чиқаيدиган чиқиш жойидир.

"Ёнгин хавфсизлиги ойлиги"да фаол қатнашишга барчамиз масъулмиз.

О. РАҲМАТОВ,

Шаҳрихон тумани ФВБ катта инспектори, майор



Навоийни англашда ҳақиқий маърифат ва маънавият бор

Ҳидоят нури

Тенгридин раҳм агар тамат қилсанг, Аввал ўлмоқ кераккен элга раҳим. Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас раҳиму-карим.

Мазкур назмда мутафаккир инсонларнинг бир-бирлари билан раҳм-шафқатли бўлиб, ўзаро ёрдамда бўлишлари, уларга тангри меҳрибонлигини келтиришига сабаб бўлишини баён қилиб, агар меҳр-шафқат, раҳм-диллик бўлмаса Оллоҳнинг ҳам меҳрибонлиги бўлмаслигини назмий ифода-ламоқда.

Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: "Одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган киши одамларнинг энг яхшироғидур".

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур? Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин. Яхшироқ бил они улус ароким, Етса кўпроқ улусқа нафъ андин.

Жамиятда инсонлардоимо бир-бирларининг ёрдамларига муҳтожлик сезиб яшайди. Шундай экан, Алишер Навоий мазкур назмда, агар халқ ичида энг яхшиси кимлигини билмоқчи бўлсанг, халқдан сўраб бил ва уларни қай бирининг фойдаси халққа кўпроқ етиб турган бўлса, кишининг яхшиси шу инсон деб таъкидламоқда. Бу сифат ҳам комил инсоннинг ажралмас хусусияти деб талқин этилади.

Зеро, Навоийни англашда ҳақиқий маърифат ва маънавият бор, Аллоҳнинг асарлари мазмунига ислом динининг асосий манбаси бўлган оят ва ҳадислар сингдирилган. Бу ҳақиқий маърифат ва ҳикмат бўлиб, ундан манфаат олиш ҳар бир шахс учун муҳим ва ҳаёти зарурат ҳисобланади.

Элмурод ҚўЗИЕВ,
«Халдарбой ҳожи» жоме масжиди
имом хатиби



АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ФАРЗАНД БЎЛАЙЛИК

Кеча келгүндур дебон ул сарви гулру келмади, Кўларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимга ул шўхи бадхў келмади.



Дарҳақиқат, тарихда ўзидан ёрқин хотира қолдирган шахслар талайгина. Инчунин, юқоридида келтирилган мисраларни ўқишингиз билан беихтиёр ҳаёлингизда Ҳазрати Алишер Навоий гавдаланади. Бу бежизга эмас, албатта. Қон-қонимизга сингиб кетган бу каби қўлаб ижод намуналари кириб бормаган хонадонлар камдан кам бўлса керак. Аждодларимиз қолдирган ижодий мерослар ҳали-ҳануз гўзал адабиётимиз боғини гуллатиб келмоқда. Ҳар йили юртимиз бўйлаб 9 февраль санаси байрам сифатида нишонланиши анъанага айланган. Бойи шу кун шайхона мулкларининг сўлтони бобомиз Алишер Навоий таваллуд топган.

Андижон туман мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли 41-умумтаълим мактабининг 11- ва



8-синфларида очик дарс шаклида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда мактаб директори Д.Ғиёсова сўз олиб аждодларимизга муносиб ворислар бўлиш ҳақида гапирди. Адабий кечада таълим муассасаси ўқувчилари фаол иштирок этишди. Шоир қаламига мансуб шеър ва ғазалларидан ўқидилар. Куйлар қўшиқларга уланди, ўқувчилар рақсга тушди.



Тадбир сўнггида ўқувчилар томонидан ижро этилган бадий саҳна кўринишида Навоий сиймоси гавдаланди. Инсонийлик, одамийлик каби меҳр каби туйғу ҳар бир иштирокчининг онгу шуурига муҳрланди.

Гулноза ИБРАГИМОВА,
Феруза ТОЖИБОЕВА,
мактаб ўқитувчилари

Кўп йиллик амалиёт натижасида рационал овқатланиш қоидалари ишлаб чиқилган.

1. Янги овқатланиш: Янги етиштирилган ўсимликлар маҳсулотларидан тайёрланган таомлар истеъмол қилиш. Пиширилган овқатни бир неча соат давомда қолдириб, сўнг истеъмол қилманг. Унда ферментация ва парчаланаш жараёнлари бошланади. Шунинг учун уни дарҳол истеъмол қилиш керак.

2. Хом озиқ-овқат диетаси: Узоқ вақт давомида ўсимлик маҳсулотларда (булар – мева, сабзавот ва кўкатлар) энг катта ҳаёт берувчи куч борлигига ишонилган.

3. Озиқ-овқат хилма-хиллиги: рационал қанча кўп турли хил овқатлар киритилса, танага шунчалик кўп физиологик фаол моддалар киради. Бу, айниқса, ақлий зўриқиш пайтида уларга бўлган эҳтиёж ортиси ва иштаҳанинг тез-тез пасайиши туфайли жуда муҳим.

4. Озиқ-овқат маҳсулотлари-

нинг маълум бир алмашинуви. Бунда узоқ вақт бир хил маҳсулот истеъмол қилмаслик тавсия этилади.

ОҚИЛОНА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ



5. Озиқланишнинг мавсумийлиги. Баҳор ва ёзда сиз ўсимликлардан тайёрланадиган озиқ-

Саноатийлик сифатлари

овқат миқдорини кўпайтиришингиз керак. Совуқ ҳавода диетага оқсил ва ёғларга бой овқатлар қўшинг.

6. Озиқ-овқат маҳсулотларини чеклаш: Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кам ишлайдиган, чарчоққа кўпроқ мойил бўлганлар кўп овқатланади.

7. Овқатдан максимум даражада фойдаланиш: Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳеч бўлмаганда овқатланиш вақтида шовшалокликдан воз кечишингиз керак. Овқатланиш вақтида чалғимаслик, телефон фойдаланиш, бирор нима ўқиш одатидан воз кечинг.

8. Парҳез стрессларидан сақланинг: Яъни, бир кун оч қоринга овқатланиб, эртасига эса тўқ қоринга ўта тўйиб, етиб қолгунча овқатланманг.

Абдували КАБИРОВ
тайёрлади.

Билдирув ва эълонлар

ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ҲИСОБИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2023-йил 9-октябрдаги 39-мб-сон буйруғи билан тасдиқланган Микрофирма ва кичик корхоналарнинг 2023 йил учун "1-KB" шакли йиллик ва Фермер ҳўжалиги фаолияти тўғрисида "1-FX" шакли йиллик статистик ҳисоботларини 2024 йил 27 февралдан кечиктирмай электрон шаклда Давлат статистика қўмитасининг my.stat.uz ёки hisobot.stat.uz расмий сайтлари орқали тақдим этилиши сўралади.

Статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузилиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузилиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Туман статистика бўлими.

Саноат маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли дума-лоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.

Andijon tongi Muassis: Andijon tumani hokimligi	Muharrir Tabassum ATAXONOVA Gazeta Andijon viloyati matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2006 yil 26 dekabrda 04-013 raqam bilan ro'yubdan o'tgan	Gazeta «Andijon tongi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalanib, «Zakavat» nashriyot uyi MCHJ boshmahonasi (Kosonsoy shahri, Chorbog') kochasi, 17-uyda ofset usulida 100 nusxada chop etildi	Naybarchi: A.BALIMOV. Sahifalovchi dizayner: Abdvali KABIROV andijon-tongi@inbox.uz	MANZILIMIZ: 170600, Andijon tumani Kuyganyor shaharchasi, Andijon ko'chasi 1-uy. Tuman hokimligi binosi 9-xona Tel: 74) 373-14-14 Sotuvda erkin narhda
--	--	--	---	--